

Ислом - террорга қарши



08:08 / 06.11.2018 2841

Террор милодий йигирманчи асрнинг охирига ва XXI асрнинг аввалига келиб оламшумул муаммога айланди. Бу бало жаҳон ҳамжамиятини қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Энди «жаҳон уруши», «ядро ҳалокати хавфи» ҳақидаги гаплар қолиб, ҳамма террор ва унинг хавф-хатари ҳақида гапирадиган бўлиб қолди. Кўпчилик иттифоқ бўлиб, террорнинг дини, ирқи ва миллати бўлмади, ҳаммамиз бу офатга қарши биргаликда курашишимиз лозим, демоқда. Авваллари бўлмаган бу нарсани таърифлашга ҳам ҳаракат қилинмоқда. Ҳали террорнинг таърифида бир қарорга келинмаган бўлса ҳам, кўпчилик уни «Ўз мақсадига эришиш йўлида бошқаларнинг жони, моли ва обрўсига куч ва қурол ишлатиш йўли билан зарар етказиш» деб атамоқдалар.

Ўз-ўзидан «Бу масалаларга Ислом дини таълимотларида қандай қаралади?» деган савол пайдо бўлади. Албатта, бу каби саволларга Қуръон ва Суннатда жавоблар тайёр. Жавоб беришдан аввал террордан кўрилатган зарарларга бир назар солайлик. Бу рўйхатнинг энг бошида бегуноҳ одамларнинг кўплаб ҳалок бўлиши туради. Кейин кишиларнинг мол-мулклари зое бўлиши, шарафларига футур етиши, халқлар орасидаги муносабатларнинг ёмонлашиши, дунёда хавф-хатар бардавом бўлиши каби инсониятга зарарли кўпгина нарсалар келади. Ислом инсониятга зарар етишига мутлақо қаршидир. Ислом Аллоҳ таоло томонидан инсоният бахт-

саодатини таъминлаш учун жорий қилинган диндир. Ислom динининг таълимотлари, қонун-қоидалари ва амалларидан бешта бош мақсад кўзда тутилгандир:

- 1. Инсон ҳаётини муҳофаза қилиш.**
- 2. Инсон ақлини муҳофаза қилиш.**
- 3. Инсон динини муҳофаза қилиш.**
- 4. Инсон наслини муҳофаза қилиш.**
- 5. Инсон мол-мулкини муҳофаза қилиш.**

Террор эса айнан ушбу мақсадларга қарши фаолиятдан иборатдир. Террорнинг бош зарари, яъни бегуноҳ инсонларнинг ўлдирилишига Ислom қанчалар қарши эканини билишнинг ўзи бу илоҳий диннинг террорга нечоғлик қарши эканини очиқ-ойдин кўрсатади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

الْأَرْضِ فِي فسادٍ أَوْ نَفْسٍ بغيرِ نَفْسًا قَتَلَ مَنْ

أَحْيَاهَا وَمَنْ جَمِيعًا النَّاسَ قَتَلَ فَكَأَنَّمَا

جَمِيعًا النَّاسَ أَحْيَا فَكَأَنَّمَا

«Ким бир жонни бирор жон сабабисиз ёки ер юзида бузғунчилик қилмаса ҳам ўлдирса, худди ҳамма одамларни ўлдиргандек бўлади. Ким уни тирилтирса, худди ҳамма одамларни тирилтиргандек бўлади» (Моида сураси, 32-оят).

Исломда ҳар бир жон ниҳоятда юқори баҳоланади. Шу боис бир беайб инсонни ўлдирган одам бутун бошли инсониятни ўлдиргандек жиноят қилган ҳисобланади. Чунки жонлар кўп бўлгани билан, ҳаёт кечириш ҳаққи битта. Ҳар бир жон ҳаёт кечириш ҳаққига эга. Ана шу жонлардан биттасини ўлдирган одам ҳамма жонларнинг ҳаёт кечириш ҳаққига тажовуз қилган бўлади. Аксинча, битта жоннинг ҳаётини сақлаб қолиш эса ҳамма жонларнинг ҳаёт кечириш ҳаққини сақлаб қолган билан тенг.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бир аҳдлашган жонни ўлдирса, жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидлай олмайди. Албатта, унинг ҳиди қирқ йиллик масофадан келиб турур», дедилар».

Бухорий ва Термизий ривоят қилишган.

Ушбу ҳадисдан кофир бўлса ҳам, инсоннинг жони Ислом наздида қанчалик қадр-қийматга эга экани кўриниб турибди.

Ҳадиси шарифда муъоҳид – аҳдномаси бор ғайридинни ўлдиришнинг оқибати қандай бўлиши ажойиб ўхшатиш ила васф қилинган. Мазкур жиноятни қилган одам «жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидлай олмайди». Жаннатга кириш, ундаги хушбўй мушки анбарлардан ҳидлаб, лаззат олиш у ёқда турсин, жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидлай олмайди. Яқинига йўлай олмаслик қай даражада бўлади? Бундай жиноят қилган одам жаннатдан қирқ йиллик йўлдан ҳам узоқроқда бўлади. Чунки жаннатнинг «ҳиди қирқ йиллик масофадан келиб турур».

Шундай экан, ҳар бир мўмин-мусулмон ўзи билан тинч-тотувликда яшамоқчи бўлган ҳар бир ғайридиннинг ҳурматини жойига қўйиши, унга зинҳор ёмонлик қилмаслиги лозим.

Террордан дунёга келаётган ҳар бир зарарга қарши юқоридагига ўхшаш кўплаб таълимотлар мавжуд. Уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида китоб ёзиш мумкин. Шунинг учун бемалол «Ислом террорнинг ҳар қандай кўринишига мутлақо қаршидир» дейиш бизнинг бурчимиздир. Мусулмонлар террорга қарши курашнинг биринчи сафларида бўлишлари

ЛОЗИМ.

“Иймон” китобидан